

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА МҮЛ-КЎЛЧИЛИКДА ВА ФАРОВОН ЯШАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Пардаев Мамаюнус Каршибаевич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори,

Мухаммедов Мурод Мухаммединич

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори,
иқтисодиёт фанлари доктори,

Пардаев Обид Мамаюнович

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги департаментининг
биринчи ўринбосари, PhD.

Аннотация: мақолада Янги Ўзбекистонда ахолининг мүл-кўлчиликда, фаровон ва бой-бадавлат яшашнинг асосий омиллари ёритилган. Ушбу масалани тадқиқ қилиш жараёни Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлар олдидаги ўрни, тараққиётидаги ижобий ва салбий омилларга ҳам алоҳида аҳамият берилган. Шунингдек, ушбу ишда иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, иқтисодий фаолият тушунчаларининг назарий талқини, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва ушбу масалалар бўйича муаллифларнинг айрим мулоҳазаларн ҳам ёритилган.

Калит сўзлар: мүл-кўлчилик, фаровонлик, бой-бадавлат яшаш, камбағаллик, яшаш сирлари, иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур, иқтисодий фаолият, назария, амалиёт.

ОСНОВНЫЕ ФАКТОРЫ ДОПОЛНИТЕЛЬНОЙ И БЛАГОПОЛУЧНОЙ ЖИЗНИ В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Пардаев Мамаюнус Каршибаевич

Мухаммедов Мурад Мухаммединич

Пардаев Обид Мамаюнович

Аннотация: в статье описаны основные факторы проживания населения в достатке, благополучии и богатстве в Новом Узбекистане. В процессе исследования данного вопроса особое значение придается положению Узбекистана перед странами мира, положительным и отрицательным факторам его развития. Также в данной работе освещены теоретическая интерпретация понятий экономического сознания, экономического мышления, экономической деятельности, их специфика, а также некоторые комментарии авторов по этим вопросам.



Ключевые слова: изобилие, благополучие, жить богато, бедность, тайны жизни, экономическое сознание, экономическое мышление, экономическая деятельность, теория, практика.

MAIN FACTORS OF ADDITIONAL AND PROSPEROUS LIFE IN THE NEW UZBEKISTAN

Mukhammedov Murad Mukhammedovich

Pardaev Mamayunus Karshibaevich

Pardaev Obid Mamayunusovich

Abstract: the article describes the main factors of the population living in prosperity, well-being and wealth in the New Uzbekistan. In the process of studying this issue, special importance is attached to the position of Uzbekistan in front of the countries of the world, positive and negative factors of its development. Also in this work the theoretical interpretation of the concepts of economic consciousness, economic thinking, economic activity, their specificity, as well as some comments of the authors on these issues are highlighted.

Keywords: abundance, well-being, living richly, poverty, secrets of life, economic consciousness, economic thinking, economic activity, Theory, practice.

Мавзунинг долзарбилиги. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда мўл-кўлчиликда ва фаровон яшашнинг асосий омиллари анчагина. Бир омил унга ижобий таъсир қилса, яна бири салбий ҳам таъсир қилиши мумкин. Шу туфайли мазкур масалага мамлакатимизда алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда. Хусусан, 2023 йил 11 сентябрда Президентимизнинг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Шу асосда тасдиқланган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси бешта устувор йўналиш бўйича юзта муҳим мақсадни ўз ичига қамраб олган дастурлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастурларда эътироф этилишича “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш, аҳоли талабларига ва халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган таълим, тиббиёт ва ижтимоий ҳимоя тизимини ташкил қилиш, аҳоли учун қулай экологик шароитларни яратиш, халққа хизмат қилиши шарт бўлган адолатли ва замонавий давлатни барпо этиш, мамлакат суверенитети ва хавфсизлигини кафолатли таъминлаш каби ғоялар акс этган”¹. Кўриниб турибдики, Янги Ўзбекистонда аҳолининг мўл-кўлчиликда, фаровон ва бой-бадавлат яшашнинг асосий омиллари бевосита иқтисодиётга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зоро,

¹ Мұхтарама Комилова, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясидан келиб чиқадиган вазифалар белгиланди. ЎЗА. 20:02 / 12.09.2023.

иқтисодиёт аҳолининг фаровонлигини таъминлайдиган асосий омиллардан биридир. Шу жиҳатдан мазкур мавзу бугунги ривожланишни мақсад қилиб белгилаган мамлакатимиз учун ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мақолада Янги Ўзбекистонда аҳолининг мўл-кўлчилиқда ва бой-бадавлат яшашнинг асосий омилларини тадқиқ қилиш жараёнида макон ва замон, қиёсий таҳлил, миқдор ва сифат, индукция ва дедукция каби усуслардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, танланган стратегия Янги Ўзбекистонни дунёнинг иқтисодий жиҳатдан устун ривожланган мамлакатларидан бирига айлантириш, заҳматкаш халқининг мўл-кўлчилиқда, бой-бадавлат ҳаёт кечириш баҳтига мұяссар қилиш учун реал имкониятлар яратиб бермоқда.

Бундай имконият тарихда жуда кам учрайдиган ноёб иқтисодий воқелик, фақат биз ундан унумли фойдаланишимиз керак. Ҳозирги пайтда **Янги Ўзбекистонни дунёнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатларидан бирига айлантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.** **Мазкур ишда унинг учта асосий омилига эътиборингизни қатамоқчимиз.**

Маълумки, ҳар қандай давлатнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий тараққиётига ва аҳолининг турмуш даражасига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи сон-саноқсиз омиллар бор. Мамлакатимиз таббий ва меҳнат ресурсларига бой давлатлардан биридир. Шу билан бирга тараққиётнинг муҳим омили бўлган таълимга ҳам катта аҳамият берилмоқда. Мамлакатимизда рақамли ва унга асосланган инновацион иқтисодиёт шаклланди. Бизнинг назаримизда, ушбу омиллар қаторида Янги Ўзбекистонни қисқа муддатларда дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган, тараққиётга юз тутган, андоза олишга арзийдиган давлатларидан бирига айлантиришнинг учта асосий омили мавжуд.

Биринчиси, асрлар давомида аждодларимиз меҳнати ва ақл-заковати билан яратилган ва бугунги кунда биз ўз эҳтиёжларимиз йўлида фойдаланиш баҳтига мұяссар бўлган бебаҳо тарихий меросимизнинг борлиги ҳам катта бойликнинг муҳим омилларидан биридир..

Иккинчиси, мамлакаатимизда Яратганинг инояти билан бизга инъом этилгаган нодир ва ноёб табиий ресурсларимиз бор. Тегишли тарзда меҳнат ресурсларимиз ҳам бугунги талабдан келиб чиқиб, инсон капиталига айланиб, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда..

Учинчиси, иқтисодий тараққиётда том маънода тўнтариш ясашга, бу борадаги улуғ мақсадни амалий натижага айлантиришга қодир бўлган авлоднинг шаклланиши ҳам шу омиллар сирасига киради. Бу борада ҳали имкониятларимиз чексиз. Чунки, меҳнат ресурсларининг бир қисми вазият тақозоси билан хорижда

мехнат қилмоқда. Агар биз түлиқ имкониятларимизни ишга сола олсак, уларнинг барчаси мамлакатимизга қайтиб келиб ишлаши ҳам, иқтисодиётнинг ривожланиши ва шу йўл билан фаровон яшаш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади..

Ушбу келтирилган учала омилнинг улкан имкониятларини рўёбга чиқариш, Янги Ўзбекистоннинг аҳолисини тўқ ва фаровон ҳаёт кечирадиган юрга айлантиришни таъминлайди. Ушбу омил халқнинг иқтисодий саводхонлигини ошириш билан ҳам узвий боғлиқдир. Чунки янгилик яратиш учун фан ривожланган бўлиши лозим. Фанни ривожлантириш учун сифатли таълим йўлга қўйилган бўлиши лозим. Бунинг учун сифатли билим берадиган устозлар шаклланган бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ. Бу борада тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Қисқа қмилиб айтганда, **мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлашга имкониятларимиз етарли. Лекин натижалар айрим ҳоллара кутилгандай бўлмаяпди. Бундай оқсаётган ҳолатнинг омиллари нималар билан боғлиқ. Бу масалага ҳам аниқ ташхис қўйиш ҳам бугунги кунда муҳим вазифалардан биридир. Одатда тўкин-сочиқликда, қулай шароитларда тўқ-фаровон ҳаёт кечириш, бой-бадавлат яшаш иштиёқи барча мамлакатлар халқларига хос. Мамлакатимизда ҳам бу ҳоҳиш истак бор. Аммо ушбу мақсадга эришишга нима тўсқинлик қилмоқда, деган саволга ҳам жавоб топиш, бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир.**

Мамлакатимизда аҳоли фаровонлигига ташхис қўйиш учун дунё мамлакатлари билан қиёслаш лозим. Иқтисодиёт соҳасида чуқур билимга эга бўлмаган кишиларда нима учун дунёнинг айрим мамлакатларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган номинал ялпи ички маҳсулот 100 минг АҚШ долларидан ошиб кетганда (Люксембургда 135 минг АҚШ доллари), бизнинг мамлакатимизда у атиги 2,3 минг (паритет харид куввати бўйича 6,9 минг) АҚШ долларини ташкил қиласди, деган саволнинг туғилиши табиий. Кўп мамлакатларда бундай ахволнинг шундайлигига аксарият кишилар бунинг асосий сабаби табиий бойликларда бўлса керак, деб ўйлади ёки бошқа ҳақиқатдан йироқ сабабларни кўрсатади. Лекин, афсуски, камдан-кам кишилар ушбу ғайритабиий ҳолатнинг асосий айбори ўзимиз эканлигимизни, мамлакатимизнинг иқтисодий қудрати ва келажаги, халқимизнинг мўл-кўлчиликда бой-бадавлат фаровон ҳаёт кечириши фақат ўзимизга боғлиқ эканлигини идрок этмаймиз. Ҳар бир киши мувоффақиятларимизнинг ҳам, камчиликларимизнинг ҳам сабабларини энг аввало, ўзимиздан ахтаришимиз лозимлигини идрок қилиши лозим.

Табиий ресурсларга жуда қашшоқ, лекин дунёнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли мамлакатларидан бирига айланган Япония ва аксинча, ресурсларга

жуда бой, аммо қашшоқликда, аянчли аҳволда кун кечираётган айрим Африка давлатлари тажрибаси мазкур муаммонинг асосий ечими фақат моддий бойликларда эмаслигини кўрсатади. Агар ҳақиқат нуқтаи назари билан қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз бугунги кунда қудратли миллий иқтисодиётга эга бўлиши керак эди. Аммо ҳозирги қолорқлигимизга юз йилдан ортиқ таталитар тизимда яшаганлигимиз ҳам сабаб бўлади. Бироқ бу асосий омил эмас. Мамлакатимизнинг реал имкониятларидан кундалик ҳаётимизда фойдаланиш баҳтига мұяссар бўлишнинг асл сабаблари хусусидаги ўзимизнинг айрим фикр-мулоҳазаларимизни баён этмоқчимиз.

Тадқиқотларимиз кўрсатдикি, аҳолимизнинг мўл-кўлчилиқда, бой-бадавлат яшашининг айрим яширин сирлари ҳам мавжудлигига гувоҳ бўлдик. Шариат мусулмон халқини сабр-қаноатли бўлиш, борига шукур қилиш руҳида тарбиялашни мўлжал қиласи ва ҳаммага аёнки, бу борада жуда катта амалий натижаларга эришдик. Лекин, шуни инобатга олиш жоизки, бу тадбир инсонларнинг ҳалол меҳнат қилиб, тўқ-фаровон яшаши йўлидаги интилишларига ҳеч қандай тўсиқ қўйган эмас. Аксинча, юқорида таъкидланганидек, Яратганнинг ўзи муқаддас заминимизга нодир ва ноёб табиий ресурсларни сахийлик билан инъом этиб, бизнинг бой-бадавлат ҳаёт кечиришимиз учун реал имкониятлар яратиб берган. Лекин биз, тан олиб айтишимиз керак, ушбу имкониятлардан унумли фойдалана олмаяпмиз. Жаҳон мамлакатларининг кўп йиллик илғор тажрибаси шундан гувоҳлик берадики, халқнинг бой-бадавлат яшаши мавжуд имкониятлар билангина чегараланиб қолмас экан. Балки ушбу имкониятлардан унумли фойдаланиб, уларни ҳаётнинг реал натижаларига айлантира оладиган даражада фаолият олиб бориш билан белгиланаар экан. Бизнинг асосий оқсаётган томонимиз шу имкониятларни ишга sola олмаганлигимизда намоён бўлмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон табиий ва меҳнат ресурсларига бой мамлакат. Ушбу ресурслардан унумли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали қўплаб муаммоларни узил-кесил ҳал қилиш мумкин. Булар сирасига ишсизлик ва аҳоли бандлигини таъминлаш, ходимларнинг даромадини ошириш, инфляцион жараёнларнинг олдини олиш, камбағалликни қисқартириш, мамлакат экспорт салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, мавқеини мустаҳкамлаш ва бошқа бир қатор муҳим масалаларни киритиш мумкин. Ушбу долзарб муаммоларнинг муваффақиятли ҳал этилиши биринчи галда, ушбу қимматбаҳо ресурслардан қай даражада унумли фойдаланаётганлигимизга боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қимматбаҳо ресурслардан самарали фойдаланиш учун унинг самарадорлиги муайян кўрсаткичлар орқали таҳлил қилиб боришни тақозо қиласи. Бунинг учун бир қанча самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашни ҳам

талаб этади. Булар қуидагича аниқланади: меҳнат унумдорлиги (ишчи кучи ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги), капитал қайтими (асосий капиталдан фойдаланиш самарадорлиги), айланма маблағларнинг айланиш тезлиги (айланма капиталдан фойдаланиш самарадорлиги), рентабеллик (корхона фаолиятининг самадорлиги, яъни фойдалилик даражаси) ва бошқалар.

Жаҳон амалиётида халқнинг фаровонлигини баҳолашда аҳоли жон бошига ёки иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир ходимга тўғри келадиган ЯИМ ҳажми кўрсаткичи кенг қўлланилади. Ушбу кўрсаткичларни аниқлашда (Ис) формуланинг суратида мамлакатда йил давомида яратилган товарлар ва хизматлар ҳажми, яъни ЯИМ – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг якуний натижаси, унинг маҳражида эса ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун жамиятда мавжуд имкониятлар – аҳоли ва унинг таркибидаги иқтисодиётда банд бўлганлар сони (Хб) ўз ифодасини топган. Бу қуидагича аниқланади:

Ис = ЯИМ / Хб ;

Интернетда иқтисодий самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларидан бири бщлган унумдорлик хусусида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Умуман олганда унумдорлик жадвалида 137 кўрсаткич билан Ирландия пешқадамлик қилмоқда, АҚШ 114 кўрсаткичи билан 12-ўринни эгаллаган. Агар ушбу кўрсаткич а=оли томонидан қўлга олинган натижанинг (маҳсулот ҳажмининг) уни ишлаб чиқаришга йўналтирилган сарф-харажатларга нисбати билан ўлчанишини инобатга олсак, мамлакатимизда қимматбаҳо иқтисодий ресурслардан (меҳнат, меҳнат қуроллари, жихозлар, асбоб-ускуналар, электр қуввати, газ, сув ва ҳоказолар) фойдаланиш қай даражада самарасиз эканлиги хусусида аниқ тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Халқимизда ыадимдан айтилиб келадиган “Шайхда хунар бўлмаса, масчининг айвони ҳам торлик қиласди”, деган ажойиб нақл бор. Демак ҳар бир соҳанинг ўз эгаси ва устаси бўлиши лозим экан.

Модомики, биз табиат ва жамият инъом этган бебаҳо иқтисодий ресурслардан унумли фойданган ҳолда мўл-кўлчиликда, бой-бадавлат яшамаётганлигимизга, халқимиз орасида ҳамон камбағал қатламнинг мавжудлигига ўзимиздан бошқа яна ким айбдор?

Бизнингча, бунинг халқаро тажрибада ўзининг тўла исботини топган, битта омил бор. Бу мантиқан инкор этиш қийин бўлган йўли аҳолида иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурни юксалтириш билан боғлиқдир. Буларнинг чексиз, яширин имкониятларидан унумли фойдаланиб, ижтимоий-иктисодий тараққиётни жадаллаштириш бугунги кунимизнинг мҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Жамиятимизда иқтисодий онг, иқтисодий тафаккурни ишга солган ҳолда иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу вазифаларни бажариш учун мазкур

тушунчаларнинг мазмуни бўйича айрим жиҳатларини очиб беришни тақозо қиласди. Иқтисодий тафаккур иқтисодий онг замирида юзага келади, ундан озуқа олади. Ўз навбатида, иқтисодий тафаккур иқтисодий онгни ривожлантириб, уни такомиллаштиради. Бунда ушбу боғлиқлик иқтисодиёт соҳасидаги билимларни янги даражаларга кўтаришнинг муҳим қуроли ҳисобланади. Қадимдан маълумки, инсон ўз онгидан аксини топган, хулқ-атвор сифатида шаклланган иқтисодий ғоянигина ҳаётга татбиқ қилиши мумкин. Демак, айнан иқтисодий онг, иқтисодий тафаккур даражаси инсоннинг иқтисодий фаолияти унумдорлигини оширишнинг, унга ушбу фаолиятдан юқори самара олишга имконият берадиган тўғри қарорлар қабул қилишнинг, ўз меҳнатидан тегишли натижа олиш ва бой-бадавлат яшашининг ягона шарти ҳисобланади.

Инсонда иқтисодий онг бўлмаса, иқтисодий тафаккур ҳам бўлмаганидек, иқтисодий онг ҳам иқтисодий тафаккурсиз ривожланмайди ва мос равища ривожланишга ҳам таъсир қилмайди. Инсоннинг иқтисодий онги қанча баланд бўлса, унинг когнитив тафаккури, иқтисодий мавзуларда мушоҳада юритиш қобилияти ҳам шунча кучли ва юқори бўлади. Бу ўз навбатида, иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори самарадорликни таъминлаш имкониятларини яратади.

Тадқиқотларимиз жараёнида иқтисодий онг тушунчасининг таърифи ҳам ишлаб чиқилди. **Иқтисодий онг деганда, ташқи ва ички оламда содир бўлаётган иқтисодий воқеликлар, иқтисодий жараёнлар, иқтисодиёт борасидаги назарий ва амалий билимларнинг инъикоси тушунилади.** Иқтисодий онг ижтимоий онгнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, унда иқтисодий билимлар, иқтисодий ҳаёт борасида жамланган бой тажриба билан биргаликда, инсоннинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлари, ижтимоий-иқтисодий реалликни баҳолаш тўғрисидаги дунёқарashi ва хулқ-атвори ўз аксини топади.

Навбатдаги тушунча иқтисодий тафаккур бўлиб, унинг мазмуни ҳам иқтисодий онгдан бироз фарқ қиласди. Иқтисодий тафаккур деганда, инсон ақлининг олий маҳсули, инсон иқтисодий онгини янада ривожлантириш, уни юксак даражаларга кўтариш, инсон онгидан аллақачон шаклланган иқтисодий билимларни такомиллаштириш, уни янги ғоя ва назариялар билан тўлдириш, бойитиш имконини берадиган жараёнлар мажмуи тушунилади. Иқтисодий тафаккур жараёнида инсон ўзининг кундалик ҳаёти ва келажаги учун зарур бўлган иқтисодий муаммоларнинг инновацион ечимларини излаб топади ва ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини аниқлаш имкониятларини яратади. Бошқача сўзлар билан ифодалаганда, иқтисодий тафаккур иқтисодиёт илмини бойитишнинг, уни янги даражаларга олиб чиқишининг кудратли қуроли ва локомотиви сифатида майдонга чиқади. У инсоннинг иқтисодиётга оид турли-туман ахборотларни қабул қилиб, уни ақл ёрдамида таҳлил қилиш ва унга

таянган ҳолда иқтисодиёт борасида самарали қарорларни қабул қилишга каратилган яратувчанлик фаолиятини ҳам такомиллаштириб боради.

Инсон фаолиятининг таркибида иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккур ҳосиласи бўлган иқтисодий фаолият марказий ўринни эгаллайди. Чунки инсон айнан шу фаолият ёрдамида онгида ўз аксини топган илмий-назарий ғоялар ва амалий тажриба таъсири остида шаклланган билимларга, унинг негизида пайдо бўлган хулқ-авторига таянган ҳолда табиатга фаол таъсир кўрсата олади. Пировард натижада, у ўзининг кундалик эҳтиёжлари учун сувдек зарур бўлган турли-туман моддий ва маънавий ноз-неъматларни ишлаб чиқаришга ҳам мувоффақ бўлади. Яшашимиз ва ишлашимиз учун бизга қулай шароит яратиб берадиган ҳашаматли бинолар, боғ-роғлар, узоғимизни яқин қилаётган автомобиллар ва бошқа транспорт воситалари, чарчаганимизда жонимизга оро кирувчи дам олиш масканлари, таълим муассасалари, мазали таомлар, биз севиб ўқийдиган китоблар – буларнинг барча-барчаси инсон иқтисодий фаолиятининг ҳосиласи, меваларидир. Жамиятдаги барча тирик жонлар орасида фақат инсонгагина хос ушбу нодир фазилат инсоннинг табиат устидан ҳукмронликка эришишининг бош омили, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Зоро, ақл ва идрок фақат инсонларгагина берилган, холос.

Халқнинг (алоҳида индивиднинг) тўқчилик ва мўл-қўлчиликда, камбағалликдан холи ҳолда, бой-бадавлат бўлиб ҳаёт кечириши биринчи галда, иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурнинг ҳосиласи, инсоннинг ўз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлатилаётган иқтисодий ресурслардан тежамкорлик билан унумли фойдалана олганлиги учун иқтисодиётнинг унга ҳадя этган тухфаси, мукофотидир. Шу жиҳатдан яратувчилик салоҳияти ҳам фақат инсонгагина берилганлиги ҳам бежиз бўлмаса керак.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий онг ва иқтисодий тафаккурнинг моҳияти, уларнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётни жадаллаштиришдаги алоҳида аҳамияти, уларни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари тадқиқотчиларимиз эътиборидан бироз четда қолиб кетмоқда. Маълумки, товарпул муносабатлари батамом издан чиққан режали иқтисодиёт шароитида иқтисодий онг ва тафаккурнинг жамият тараққиётидаги роли сезиларли даражада сусайган эди. Лекин товар-пул муносабатларига кенг йўл очиб берган замонавий бозор иқтисодиёти шароитида вазият тубдан ўзгарганлиги ҳаммага аён. Ушбу шароитда мазкур омилнинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги роли эса кескин ошди. Шу сабабли иқтисодий онг ва тафаккурнинг жамият ижтимоий тараққиётидаги ролини ошириш муаммолари долзарб аҳамиятга эга бўлди ва бу борада тизимли тадқиқотларни амалга ошириш, инсон иқтисодий онги ва тафаккурини замон талаблари даражасига кўтаришнинг ноанъанавий усул ва механизmlарини излаб топиш, уларни амалиётга жорий этиш заруратга айланди.